



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
1999 йил 24 июл, шанба № 100 (747)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«АСАКА» БАНКИ - ЖАҲОНДАГИ МИНГТА БАНК ҚАТОРИДА!
Ўзбекистоннинг йирик ва ишончли банкларидан бири - «Асака» ихтисослашган давлат-акциядорлик тижорат банки 1998 йил якуни буйича биринчи марта жаҳондаги мингта йирик банк рўйхатига киритилди. Халқаро молия соҳасидаги нуфузли «The Banker» журнали эълон қилган бу рўйхатда «Асака» банки 959-ўринни эгаллаган. «Асака» жаҳондаги мингта энг яхши банк рўйхатига киритилган Ўзбекистоннинг иккинчи банкидир.

Қўшма комиссия мажлиси

Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо қўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисга Ўзбекистон томондан Бош вазир ўринбосари Р.Юнусов, Озарбойжон томондан Озарбойжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Аббосов раислик қилди.

Мажлис кун тартибидан талайгина муҳим масалалар ўрин олди. Хусусан, унда қўшма комиссиянинг биринчи мажлисида имзоланган Протоколнинг амалий жараёни, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида 1992-1994 йиллар учун ўзаро қарз ва талабларни тартибга солиш тўғрисидаги битимнинг қандай амалга оширилётгани, транспорт соҳасида ҳамкорлик, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асослари каби масалалар муҳокама этилди.

Таъкидландики, Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш учун имкониятлар кўлами кенг. Фақат улардан самарали фойдаланиш керак. Агар рақамларга назар ташланса, кейинги вақтда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада қисқаргани кўринади. Масалан, 1997 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 24 миллион АҚШ доллари атрофида бўлган эди. 1998 йилда эса бу кўрсаткич бор-йўғи олти миллион долларни ташкил этди. Бу йилги кўрсаткичлар ҳам қониқарли даражада эмас. Дейлик, жорий йилнинг биринчи ярим йилида икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2,5 миллион доллар атрофида бўлиб турибди. Шу боис ҳам мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Мажлисида муҳокама этилган яна муҳим масалалардан бири ўзаро давлат қарзларини тўлаш ҳамда транзит билан боғлиқ айрим муаммоларни ҳал этиш бўлди. А.Аббосов айна пайтда ТРАСЕКА коридорининг Туркменистон ҳудудида божхона ва бошқа тўловлар билан боғлиқ баъзи тўсиқларга дуч келинаётганини айтди. Унинг таъкидлашича, бу ҳол 1996 йил май ойида Серахда Ўзбекистон, Озарбойжон, Грузия ва Туркменистон ўртасида имзоланган битимга хилофдир.

Шу ўринда айтиш кераки, Транскавказ йўли бошда қўзланган мақсадга мувофиқ арзон ва қисқа бўлиши керак. Бу коридорнинг Шимолий йўналиши, яъни Россия орқали ўтайдиган йўлдан 2000 километрга қисқа экани айна муддаодир. Лекин мазкур йўл ўтайдиган давлатларнинг баъзилари шу кунгача эришилган битимларга тўла риоя этмаётгани боис унинг амалга ошиши қийин кечяпти. Шунинг учун ҳудудидан мазкур йўл ўтайдиган барча давлатлар бу масалага алоҳида эътибор билан қарashi лозим. Негаки бу ҳамма учун бирдек фойдали бўлиши табиий.

Мажлисида комиссиянинг навбатдаги йиғилишини келгуси йил январ ойида Бокуда ўтказишга келишиб олинди.

Мажлис сўнгида Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилувчи бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, Ўзбекистон ҳамда Озарбойжон ҳукуматлари ўртасида геодезия, картография, кадастр ва масофали текшириш бўйича ҳамкорлик қилиш, ўзаро нефть ва газ sanoати соҳасида ҳамкорлик қилиш, газ sanoатини ривожлантириш борасида ҳамкорлик қилиш, нефть машинасозлиги соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Битимларга имзо чекилди. Шунингдек, мажлисда ҳар икки мамлакат элчионалари фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, статистика соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар ҳамда қўшма комиссиянинг Тошкент мажлиси якунига доир Протокол ҳам имзоланди.



Истиқлол нашидаси



Тинчлик-хотиржамлик сўз билан таърифлаш қийин бўлган бебахо бойлик. Истиқлол шарофати, одил ва оқил Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар туфайли ҳур Ўзбекистонимизда осуда ва барқарор ҳаёт таъминланди. Бахтиёр кишиларимиз яратувчилик меҳнати билан банд. Мустиқиллигимизнинг 8 йиллик тўйига муносиб тўёнлар ҳозирланаётган шу кунларнинг қувончли онлари бисёр. Кексаю ёш чехрасида ўз ҳаётидан, эришилаётган натижалардан мамнунлик аломати. Қалбларда Ватан иши, юрт меҳри, замона шукрониси. Булар муваффақиятни таъминловчи омиллардир.

Суратларда: 1. Учқурғондаги пахта тозалаш корхонаси касаб уюшма кўмитаси раиси М.Саматов уруш ва меҳнат фахрийси И.Ниезов билан ўзаро мулоқотда. 2. Хўжаободлик халқ таълими ходими Т.Тождидинов ҳамда шифокор К.Рустамовлар қувончли онлар оғушида.

Тахририятга хат ДИЛДАН ТАШАККУР

Кайси замон ва маконда маънавият, илм-тафаккур ривожига эътибор берилса, адолат мезонлари эъзозланса, ўша давр ва маконда тараққиёт жадал суръат касб этиши, халқ фаровонлигининг ошиши ва аксинча, қайси давр, мамлакатда жаҳолат, хурофот, ақидапарастлик авжга чиқса, адолат тарозуси бузилса ёхуд топталса, ўша давр, мамлакат таназзулга юз тутиши кишилик тарихидан маълум.

Шукрлар бўлсинки, мустиқиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ маънавият ва илм-маърифат масалаларига алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бу фавқуллода муҳим ва ҳаётбахш омиллар муҳтарам Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» номи асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Маънавиятни юксалтириш ва шиддатли давримиз талабларига муносиб билимга, малакага эга бўлган кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши масалалари мамлакатимиз тараққиётининг бундан кейин ҳам устувор йўналишлари бўлиб қолиши белгилаб берилган.

Кунги кеча матбуотда эълон қилинган «1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий на-

фақалар миқдорини ошириш тўғрисида» ва «Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маошини ошириш тўғрисида»ги икки Фармон мамлакатимизда халқ фаровонлигини ошириш, илм аҳлига гамхўрлик кўрсатиш бўйича оғишмай амалга оширилаётган сиёсатнинг яна бир янги далолатидир.

Фармонда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг жамиятимиз ҳаётида тутган ўрни алоҳида таъкидлангани биз мураббий ва устозларга оламолам қувонч бахш этди. Шу билан бирга бундай муносабат бизнинг зиммасизга улкан масъулият юклатди.

Биз, Тошкент электротехника алоқа институтининг профессор-ўқитувчилари бу гамхўрликка жавобан илмий-техник тараққиётнинг етакчи йўналишларидан бири бўлган телекоммуникация соҳаси бўйича юқори малакали, маънавий таракamol, фидойи ватанпарвар мутахассислар — бакалаврлар ва магистрларни тайёрлаш, шу тарика мамлакатимизда кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини рўёбга чиқаришга ўз ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилаверамиз.

Неъматулла ЮНУСОВ,
Тошкент электротехника алоқа институти доценти, физика-математика фанлари номзоди.

Ватанпарварлик, инсонпарварлик, болажонлиқ

мехмондўстлик, кечиримлик, бағрикенглик, мулоҳазалилик каби фазилатлар азалдан ўзбек халқининг қон-қониға синган.

Зеро, буюк бобоқолларимиз, мутафаккир алломаларимиз, қомусий олимларимиз аввало ушбу сифатлар ила дунёға танилганлар.

Шу ўринда болажонлик ҳақида сўз борар экан, меҳрибонлик уйлари мисол қилмоқлик айна муддао. Бундай масканларга эътибор, етим-есирларга гамхўрлик қилиш давлатимизнинг биринчи даражали савоб ишига айланганлигини мамнуният билан таъкидлаш жоиздир.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туман халқ таълими бўлимига қарашли 21-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг таъминоти нафақат давлатимиз балки саховатпеша, меҳридарё инсонларнинг ҳам эътиборидан четда эмаслиги қувонарли ҳолдир. Тарбиячилар қалби қуёш кийимлари миз ҳақида жўшиб гапирдилар. Ўзларига ҳомиёлик қилаётган турли фирмалар вакиллари билан кийим-бошу турфа маҳсулотларни ўз хоҳишлари билан етказиб бераётганликларидан миннатдорлар.

Рақамларга назар ташласак бир ойда болалар ўртача 1 миллион 200 минг сўмлик сарф-харажатлар билан таъминланар эканлар.

Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли

Миллат табиати

турадилар. Меҳрибонлик уйлари га шахсий жамғармаларидан маблағлар ажратаётган кишилар ҳам қўллаб топилади. Инсонпарвар одамлар шундай хайрли ишларга талпиниб яшамокдалар. Тошкент вилояти ёқилти-энергетика, геология

дим этилди. Шунингдек, мактабга қарий ёшидаги кичиктойларнинг ҳар бири учун турли-туман ўйинчоқлар, 50 та болалар стол-стул жамланмасини совға қилдилар. Булардан ташқари 1998 йилдан бошлаб уларнинг Тошкент вилояти ёқилти-энергети-

оқибати!

Отахон айтиб берган бу воқеадан ҳаётда айрим сабабларга кўра кўнгли вайрон бўлиб, ихлоси қайтган кишининг ҳам кўнгли таскин топиб, яшашга, яшаганда ҳам яхшилар борлигига ишониб, умид билан ҳаёт кечиршига иштиёқ уйғонади.

Катта масъулият ва ваколатга эга бўлаётган ўз-ўзини бошқариш органлари бўлмиш маҳалла кўмиталарида ҳам бу борада қувонарли натижаларга эришилмоқда.

Жумладан, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги бошчилигида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, қўмақча муҳтож оилалар 50 нафар фарзандининг суннат тўйлариини ўтказганликларидан одамларимиз ўртасидаги меҳру оқибат нақсадар қучилигини кўрсатади. Асли дунё меҳрдан яралган, деб бежиз айтишмайди. Эзгуликка интилган, ўз бахтини ўзгалар гулгун чехрасида, осуда ҳаётда деб билган бағри қуёш кишиларга минг бор таъзим!

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» муҳбири.

Янги самолёт парвозда

Мамлакатимиз мустиқиллигининг саккиз йиллиги байрами арафасида юртимиз самолёт-созилигининг илк намунаси бўлган «ИЛ-114» самолёти Тошкент-Фарғона йўналиши бўйлаб қатнай бошлади. Янги самолёт тежамкорлиги ва йўловчилар учун гоият қулайлиги билан ажралиб туради. У айна бир вақтда 48 нафар йўловчини манзилга элиб қўяди.

Шу йилнинг 30 майида Пахтакор шаҳрида юз берган бахтсиз ҳодиса барчани ларзага солди.

Иш жараёнида техника хавфсизлиги қондаларига риоя қилмаслик, раҳбарнинг лоқайдлиги ва эътиборсизлиги оқибатида тўрт киши ҳалатдан бевакт кўз юмди.

Пахтакор туман «Сув-оқова» корхонаси раҳбари С.Эгамов шаҳардан келадиган оқавани ҳайдайдиган 1-насосдаги носозликни бартараф этиш юзасидан 27 май куни буйруқ чиқарди. Унда кўрсатилишича, бу иш 30 май, дам олиш куни амалга оширилиши лозим эди.

Кўрсатмага мувофиқ Н.Худоёров, А.Баталов, Л.Кодачиков, А.Поздешев, Б.Худоёровлар эрталаб соат 9 да ишга етиб келишди. Икки ходим қудуққа тушиб, оқова сув келишини тўхта-тишди. Шундан сўнг участка бошлиғи А.Баталов билан чилангар А.Поздешевлар ускунани таъмирлаш учун 7 метр чуқурликка тушадилар. Иш бошлаётган пайтда А.Баталов захарли газнинг аччиқ, бугувчи ҳидини сезади ва: «Саша, газ, тепага чиқамиз!» дея бақирди, темир нарвон сари ошқанда. Ортидан А.Поздешев ҳам интилади. А.Баталов захарли газга дош беролмай, нарвоннинг туртинчи зинасига эрталаб қулаши жараёнида ортидан чиқиб келаётган А.Поздешевга ури-либ, уни ҳам ўзи билан па-ста олиб тушиб кетади. Бу пайтда захарли газ атро-

Меҳнат муҳофазаси унутилган жойда

ни қамраб олган, ҳатто қувур устида турган машинист Р.Кодачиковнинг боши айланиб, паства оғиб кетди. Уларни қутқаришга отланган машинист Б.Худоё-

вализация газидан захарланиб, касалхонада жон беришди. Жабрланувчи А.Поздешевнинггина ҳаёти сақлаб қолинди. Тўрт кишининг ҳаётига зомин бўл-

тилмаган. Корхона томонида таъмирлаш учун махсус руҳсатнома берилмаганлиги, 7 метр чуқурликда ишлайдиган ходимлар махсус ҳимоя воситалари

КЕЧИРИЛМАС ХАТО

ров ҳам ажал қомига тушди. Шу пайт кўчадан ўтиб бораётган Пахтакор туман ижтимоий таъминот бўлими ходими Зокир Қиличев шовқин-суронини эшитиб, ёрдамга шошилди. Аммо захарли газ уни ҳам бирпасда домига тортиди. Махсус қутқарувчилар шошилган равишда чуқурдан чиқариб олишган А.Баталов, Р.Кодачиков, Б.Худоёров, З.Қиличевлар ка-

ган мазкур бахтсиз ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Республикаси санаотда ва қончилиқда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат кўмитаси («Узсаноатотехназорат») зудлик билан нуфузли комиссия тузиб, сабабларини ўрганиб чиқди. Аниқланишича, «Сув-оқова» корхонасининг мазкур участкасида захира шамоллатиш мосламаси ўрна-

билан таъминланмаганлиги, ишчилар бригадаси ўқитилмаганлиги, аттестациядан ўтказилмаганлиги, жабрланувчилар ўз вазифаларини тўла-тўқис билмаслиги, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш қондаларидан хабарсизлиги бу бахтсиз ҳодисанинг асосий сабабларидир. Корхона бош муҳандиси М.Бегимовнинг таъкидла-

оқибатида меҳрибонларидан айрилишгани кечириб бўлмас ҳолдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шу йилнинг ўтган 6 ойида Жиззах вилояти халқ ҳўжалигида бир неча бахтсиз ҳодиса рўй берган. Хўш, фалокатнинг олдини олиш мумкинмиди? Албатта. Бунинг учун энг аввало, хўшёрлик, техника хавфсизлигига риоя этиш, қолаверса мурасоозликка барҳам бериб, маъмуриятдан махсус ҳимоя воситалари ва кийим-бош билан таъминлашни талаб қилиш зарур эди. А. АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Ўзликни англаш

Чўлқуварлар маскани - Усмон Юсупов туманида Келди полвон деган пахтакор ўтган. Қарийб 30 йил бригадага етакчилик қилиб сифатли ва арзон пахта етиштиришда намуна бўлди. Манман деган заршунослар ҳам унга тан бериб, пахтачилик академиги дея таърифлашарди. Саркор оғир табиатли, иродали, айтган сўзининг устидан чиқадиган, айни пайтда жисмонан бақувват инсон эди. Бирок шўролар замонида кадр топмади. Сабабини ҳаётини мисол орқали тушунтирсам.

Бир куни маслаҳат олиш мақсадида даласига бордим. Келди оғани асабий, чеҳраси синиққан ҳолда кўриб ажабландим. бўйнига илишганида ҳам ўз фикрида қолди. Бирок кекса дехқонга осон бўлмади: ҳатто энг яқинлари ҳам ундан ўзини олиб қочиш-

70 йилдан ортқ вақт мобайнида ёлгон ваъдаларга, дабдабали шiorларга ишониб яшадик. Ўз еримизда мўл-кўл неъмат яратиб, ҳузурини ўзимиз кўрмадик. Пахтаминистр сув текинга сотдик. Ўзбекистон оқ олтини ҳисобига ўзга юртдаги амалдорлар бойлиши. Қишлоқларимиз қашшоқлигича қолди. Эсласам юрагим ёмон бўлади, биринчи пишиб етилган энг сархил неъматларни Москвага жўнатиб ёш боладек хурсанд бўлиб юрардик. Қашқадарё газии Сибиргача етиб боради деб фахрландигу ўзимиз эса тезак тутатиб овқат тайёрладик.

Бир куни Қаршидаги клубда йиғилиш бўлди. Юздан ортқ одам йиғилган. Президиумда ўтирган бир кишигина бошқа миллат вакили. Ҳамма унга ҳушомад қилади. Қонда қатъий: йиғилиш рус тилида ўтказилиши керак. Одамлар дил сўзларини изхор этиш учун қийналиб кетишди. Она тилимда гапирай дейишди, президиумдагилар хўмрайишди. Ҳа, эркимин тамоман қўлдан кетган экан. Бундай шароитда инсондай яшаш мумкин эмасди.

Ҳозирда «Ўзбекистон мустақиллиги» деб атаётган ҳўжалигимизда Ҳасанбой Тошев, Худойназар Холмуродов каби ажойиб соҳибкорлар бор. Уларнинг ҳам бошларидан кўп савдолар ўтган. Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Горбачев даврида винобоп узумларни кесиб ташлаш ҳақида топшириқ бўлди. Собир ота, Камол оталарнинг жони ҳалак.

— Бу қандай кўргилик, — дейди Дўстмамод Тошев нуронийларга юзланиб. — Ахир богимиздаги узумларнинг баҳоси йўқ. Шираси ўткир, ҳатто Америкадан келган мутахассислар лол қолишган. Қолаверса

яшнаб турган тоқларга қандай болта урамин. Кўплашма бир ҳафта идорама-идора юрдик. Фойдаси бўлмади. Қайтага бизни у бу-да айблашди. Ажойиб тоқларимизни кесиб ташлашди. Ўша куни чама-си бутун қишлоқ йиғлади...



МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ
ЙИЛЛИГИ
ОЛДИДАН
Мустақиллик - бу кураш демакдир. Ватан озодлиги ва ободлиги, тараққиёти учун, миллатнинг бошқалардан кам бўлмаслиги учун тинимсиз кураш демакдир. Мустақиллик кишиларга ғурур бағишлаш, ўз юртида озод бўлиб, Истиқлол нафаси билан яшаш, яйраб ҳаёт кечириб демакдир.

Энди эсимиз кирди, кўзимиз очилди. Мустақиллик нақадар улуг неъмат эканлигини тушуниб етдик. Истиқлол туйғулари ўз тақдиримизни қўлимизга олдик, ўзликимизни англадик. Худди шу мустақиллик ҳалқимизнинг иззат-об-рўйини, қадр-қимматини жойига қўйди. Жаҳонда энг бахтли, энг омадли инсонлардан бирига айландик. Яхши тушунамиз: мустақиллик - бу кураш демакдир. Ўз юртида озод бўлиб, яйраб ҳаёт кечириб демакдир.

Д. ҲАЙДАРОВ,
меҳнат фахрийси,
ижарачи.

Жаҳонга йўл

Шахрихонда ишбилармон кишилар кўп. Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб - қувватлашга оид фармонлари қўлчилик қатори уларга ҳам кенг имконият яратди.

Комилжон 1993 йили Тошкентдаги "Ашлик" тийхай" фирмаси билан ҳамкорлик шартномаси тузишга эришилди. Шу йили аҳолига 24,6 миллион сўмлик савдо хизмати кўрсатилди. Сўнг яна бир муҳим ишга қўл урилди. Суткасига 30 тонна электрод ишлаб чиқарувчи «Ривож - Тяньжин» ўзбек - хитой қўшма корхонаси ташкил этилди. Бунинг учун Андижон механика заводининг Шахрихонда жойлашган дам олиш маскани «ким ошди» савдоси орқали сотиб олиниб, ишлаб чиқариш бинолари, дам олиш хонаси, спорт майдонлари, саунали ҳаммомлар барпо этилди.

Фирма раҳбарияти шу билан чекланиб қолмади. Бугун кўп тармоқли фирмага Болгария технологияси асосида қолбаса цехи, Туркияда ишлаб чиқарилган «Экмасан» кичик нон заводи, шунингдек, 10 дан ортиқ маиший хизмат шохобчалари, умумий овқатлаш хизматлари ҳамда савдо дўконлари ишлаб турибди. Фирманинг турли тармоқларида жами 240 киши меҳнат қилмоқда. Улардан 90 нафари аёллардир.

Фирмаимизнинг иш ҳажми тобора кенгайиб бормоқда, - дейди унинг раҳбари Комилжон Отахонов. — Агар 1997 йили йиллик иш ҳажми 320 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич яна 30 млн. сўмга ошди. Яқинда Ҳиндистон

лик ишбилармонлар билан минерал сув қадқолаш корхонаси куриш бўйича шартнома туздиқ. Насиб қилса 1-1,5 ой ичида Шахрихонда суткасига 72 минг шиша минерал сув ишлаб чиқарувчи кичик корхона ишга тушади.

Ҳа, «Ривож» нинг ишлари кун сайин ривожлантирилади. 1998 йил давомида фирманинг бюджетга тўловлари 77 миллион сўмни ташкил этгани ҳам бундан далолат бериб турибди.

Ишчи - хизматчилар меҳнат ҳақларини ўз вақтида олиб туришибди. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 10 - 12 минг сўмни ташкил этади. Фирмада ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор қатна. Улар ҳар куни бепоул иссиқ овқат билан таъминланибди. Ёки ҳар бир ишчига бунинг учун корхона ҳисобидан ойига 2 минг сўм маблағ сарфланади.

«Ривож» туман миқёсида кўплаб хайрли ишларга ҳомийлик қилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси, кўзи оғирлар, ногиронлар жамиятларини, «Экосан» халқаро жамғармаси туман бўлимини, қатор мактаб ва болалар боғчаларини молиявий жиҳатдан қўллаб - қувватламоқда.

Шунингдек, «Шахрихон» ловлари 77 миллион сўмни ташкил этгани ҳам бундан далолат бериб турибди. Ишчи - хизматчилар меҳнат ҳақларини ўз вақтида олиб туришибди. Уларнинг ўртача ойлик маошлари 10 - 12 минг сўмни ташкил этади. Фирмада ишловчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор қатна. Улар ҳар куни бепоул иссиқ овқат билан таъминланибди. Ёки ҳар бир ишчига бунинг учун корхона ҳисобидан ойига 2 минг сўм маблағ сарфланади. «Ривож» туман миқёсида кўплаб хайрли ишларга ҳомийлик қилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси, кўзи оғирлар, ногиронлар жамиятларини, «Экосан» халқаро жамғармаси туман бўлимини, қатор мактаб ва болалар боғчаларини молиявий жиҳатдан қўллаб - қувватламоқда. Шунингдек, «Шахрихон»

футбол командасининг асосий ҳомийларидан бири.

Ўтган йили фирма томонидан юқоридаги мақсадлар учун 1848 минг сўм, шу йилнинг ўтган ойлари давомида эса 300 минг сўмдан зиёд маблағ сарф қилинди. Айни кунларда фирма томонидан яна бир катта хайрли иш амалга оширилди.

РИВОЖ ТОПАВЕР, «РИВОЖ»

КЕЧА КИМ ЭДИК, БУГУН КИММИЗ?

— Пахта йиғим-теримини бошланг, деб райкомдан дағдаға қилишяпти, - деди тажрибали бригадир. - Ҳали пастки қўсақлар етилмаган, тўрт кун кутайлик, акс ҳолда гектарига камида икки центнер ҳосил йўқотилади, десам ҳеч ким қўлоқ соймади. Қизиқ, ахир ғўзасининг аҳолини, қачон нима қилиш кераклигини дехқоннинг ўзи яхши биладику?!


Кутилмаганда шийпон ёнига УАЗ машинаси келиб тўхтади. — Ота, эрта тонгдан биринчи бўлиб пахта топширишни бошланг, кўпчилик сизга эргашади, - деди райком вакили салом аликни ҳам унутиб. Яна қайсарлик қилиб саркотибни ранжитманг, ўзингизга қийин бўлади.

Ушанда Келди оға нақадар иродали, ўз касбининг фидойисини эканлигига ишонч ҳосил қилдим. У юқорининг топширигини бажармади. Райком бюросида муҳокама қилиб, не-не айбларни

ди. Ҳаёт бригада бошлиғи минг бор тўғри йўл тутганини исботлади. Аксарият бригадаларда ҳосилдорлик гектарига ўрта ҳисобда 26 центнерни ташкил этган бўлса, саркор бу кўрсаткични 33 центнерга етказди, ҳўжаликда биринчи бўлиб маррага етди.

Республикамиз мустақилликка эришиб, ўзимизни эркин, бахтли инсон сифатида ҳис этганимиздан кейин шўро замонининг миллатимиз тақдирини аянчи оқибатини, сабабларини теран ҳис қилдим. Зўрлик сўбатини ўтказиб ҳатто оддий дехқоннинг ҳам эркини қўлдан олиш, уни муъте қилиш, ғурурсизлантириш, тобеллик, қарамлик ботқоқига ботириш бўлган. Афсуслар бўлсин, ушанда сохта ғўя, маъмурий буйруқбозлик, яккахокимлик, ягона мафкуравий сиёсат оёқ-қўлимизни боғлаб ташлаганди. Фақат Келди оғага ўхшаган мард инсонларгина бош эгишмади.

Хўрлик ёмон, эркин қўлдан бериш даҳшат. Бирок,



Озарбайжон

OLAMDA NIMA GAP

ВАШИНГТОН. ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, АҚШ ҳукумати Александр Лукашенкони Беларусининг қонуний йўл билан сайланган Президентини сифатида тан олмайди. Бу ҳақда АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Жеймс Рубин айтди. Унинг таъкидлашича, жорий йилнинг 20 июлида Беларус конституциясига мувофиқ А.Лукашенконинг президентлик мuddати тугаган. АҚШ ҳукумати 1996 йилда референдум асосида Беларус конституциясига ўзгаришлар киритилганини ҳамда А.Лукашенконинг президентлик мuddати чўзилганини ноқонуний ва демократияга зид, деб ҳисоблайди. А.Лукашенконинг ҳалқ томонидан сайланган қонуний президентлик мақоми эса мамлакатдаги барча сиёсий партиялар иштирокида ўтказилган адолатли демократик сайловдан кейингина тикланиши мумкин.

босиб олинган Жўлон тепаликларини қайтариб олиш учун Сурия-Исроил тинчлик келишувига эришиш ниятида мамлакат ҳудудидаги фаластинлик радикал гуруҳлардан Исроилга қарши кураш курашни тўхтатишни талаб қилган.

Б О К У. Озарбайжонга Франция сенати раиси Кристиан Понселе бошчилигидаги парламент делегацияси ташриф буюрди. К.Понселе Озарбайжон Миллий мажлиси (парламент) раиси Муртуз Алескеров билан музокара ўтказди. Шунингдек, у мамлакат Президентини Ҳайдар Алиев қабулида бўлди ҳамда ташқи ишлар вазирини Тавфик Зулфукор билан учрашди.

А Б У - Д А Б И. Ироқ ҳукумати Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ҳамда Яман Президентларига Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди.

Бирлашган Араб Амирликларига ташриф буюрган Яман Президентини Али Абдулла Солиҳ БАА Президентини шайх Зоид ибн Султон Ал-Наҳаён билан биргаликда Ироқ ҳукуматини БМТ резолюциясини амалга оширишга ҳамда қуролли қаршилик кўрсатиш хавфини йўқотишга чақирган эди. Ироқ БМТ билан ҳамкорлик қилишга тайёрлик изхор этди.

КОҲИРА. Сурия ҳудудларида жойлашган Фаластин радикал гуруҳлари Исроилга қарши курашни давом эттираганини билдирди. Бу гуруҳлар Ёсир Арафот тутган йўлни тан олмайди. Улар Фаластиннинг эски харитасига содиқ қолажаги ва унга кўра Исроил давлатига ҳамда яҳудийларга қарши жиҳод олиб боражагини эълон қилди. Расмий Дамашқ Исроил томонидан

Сўз навбати, ниҳоят, янги сайланган раисга тегиши. - Бугундан бошлаб «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида битта раис бўлади, - деди у шартта ўрнидан туриб. - Талабгорлар бўлса, ҳозир айтсин, кейин майда-чуйда гапларга вақтимиз бўлмайди. Синчков нигоҳлар уларга қаратилганлигини туйиб, «баъзи бировлар» бош эгишди. «Янги» сўзида давом этди. - Ёшим бир кам олтимизда. Аввалги раисларнингизга ўхшаб қотган нонни сувга бўктириб ўтириш саломатлигимга тўғри келмайди. Мен яхши ишлаб, яхши еб ўрганганман. Сизларни ҳам шунга қаҳираман...

Август келса, ўша йилнинг тўққиз йил тўлади. Эргаш Ниёзов раис бўлгандан буён йил йўқки, режалар бажарилмаган бўлсин. Ҳосилдорлик пахтадан 11 центнер эди, ҳозир бу кўрсаткич салкам уч бараварга кўп. Фалла умуман экилмасди, бугун ҳовлилардан дон сизиб кўчага чиқаётди. Май ойидаги қора совуқдан кейин кўпчилик энди пилла бўлмас керак, деган хавотирда эди. Йўқ, ҳўжалик бу соҳада ҳам ўтган йилдаги каби вилоятда биринчи бўлиб зафар кучди. Режа 178 фоизни ташкил этди.

Ҳўжаликда эканимизда латифанамо бир воқеани сўзлаб беришди. Ғўза парвариши билан танишгани келган комиссия иримига бўлса-да камчилик тополмагач, ғўзаларни ўтдан тозалаш қандай бораётганини билан қизиқибди. Шунда раис: марҳамат, бемало пайкал ораланглар, ўт топанга 10 минг сўм мукофот, дебди. Лекин... мукофотга эга чиқмабди...

Албатта, бу сўзларни ўқиб, муҳбир роса арава-ни куруқ олиб қочаяпти-ю, дегувчилар ҳам топилад. Ҳамма гап шунда-да: арава куруқ эмас. Унда ҳўжалик аъзолари - бир-бирига ёндош, бир-бирига жондош одамлар ўтиришибди, гувоҳликка биз ўтамиз деб.

— Ваҳоланки, илгарилари у қишлоқ ахли бу қишлоқ кишилари билан сўрашмайдиган ҳолга келган эди, - дейди касабакўм раиси Саидмурод Ҳақимов. - Барака топсин, биринчи йилгидек Эргаш ота масалани кўндаланг қўйди: бугундан

пудрати асосида ишлашга ўтилган. Лекин энг яхши кўрсаткичга «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида эришилганлиги ҳам бор ҳақиқат. Бунинг айрим сир-синоатлари ҳақида эса юқорида пича қилиб ўтдик. Чунки ерга меҳр ўзгача. Бирор сабабга кўра оилага бириктириб қўйилган ернинг лоақаб бир гектари бировга олиб берилса ёки тортиб олинса борми, кўришг томошани! Дарҳол

ИШ ҲАҚИ УЙГА ЭЛТИБ БЕРИЛАДИ

У эса кичкина эмас, ойига ўртача 10-12 минг сўмни ташкил этади

эътиборан яраш-яраш; кимда-ким тақлиф этилган жойга - тўйгами, маъракага бормаса - номард! Шу-шу бешта қишлоқ бамисоли беш бармоқдек бир мушга тугилган... Яқинда «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги аъзолари кўшилариникида ҳаширда бўлишди. Соат саккиз яримларда ишни «ташқиллаштириш» учун келган бригадир кўзларига ишонмади - бағрига шамол тегиб қадди-басти кўриниб қолган ғўзалар бир текис соат тортиб турар, майдон чеккаларида хирмон-хирмон ўт-ўланлар фарамлаб қўйилганди. Азаматлар ҳашир тонг сахардаёқ бошлаб юборган эканлар!

Дарвоқе, «Ўзбекистон» ҳўжалиги ишк.яг ташкил қилинишида ҳам ўзига хос йўлни тутган. Бу ерда иш соат тўрт яримда бошланг, биринчи босқинда соат ўнча давом этади. Сўнг соат ўн бешга қадар хордиқ эълон қилинади. Бу ёни ақошом тушгунча. Хуллас, ҳеч кимни офтоб «урмайди». Меҳнат унумдорлиги ҳам шунга ярашадатдагидан бир ярим-икки баробар юқори. Ҳосилдорлик ҳам. Оққўрғон туманида иккинчи йилки ҳоким Абдуғани Дехқонбоевнинг ташаббуси билан ялписига оила

Наҳотки ҳаммаси жойида бўлса? - Мактабларни янги ўқув йилга тайёрлаш қандай кетаётди? — Ижтилоаб сўрашни давом этамиз. - Мавжуд тўртта мактабнинг барчаси июн ойи ўрталаридаёқ таъмирдан чиқариб қўйилган... - Кишлоқларни газлаштириш қай аҳволда? - Барча хонадонлар юз фоиз газлаштирилган. Истаган уйингизга кириш - улар тўла иситиш тизимига эга... - Албатта, ичимлик суви билан таъминлаш ҳам муҳим масалалардан ҳисобланади. Шундай эмасми? - Бизда бу ҳам аллақачон ўз ечимини топган. У ёғини сўрасангиз, фуқароларимиз ичимлик суви учун ҳақ тўлаш ташвишидан фориғдирлар. Буни ҳўжалик ўз зиммасига олган.

Барбир... топдик. Ҳўжаликда ҳаммом йўқ экан. Лекин не ажабки, яқин орада ҳаммом кураимиз деган ваъдани эшитмадик. Нега, ёки ҳўжаликда маблағ йўқми? Маълум бўлишича, раҳбариятнинг фикри сал бошқача экан. Биринчидан, ҳозирнинг ўзида хонадонларнинг 12-15 фоизи ўз шахсий ҳаммомига эга. Шундай экан, нега энди шу йўлдан бориб, муаммога нуқта қўйиш мумкин эмас? Майли, ҳўжалик курилиш материаллари ва маблағдан ёрдам қилсин. Бу ҳатто маҳобатли ҳаммом курилишидан анча арзон тушади. Ҳам қулай. Ҳар бир хонадоннинг ўз митти ҳаммоми бўлса ёмонми?!

— Ҳали кўп нарсалар кураимиз, - деди раис хайрлашаётди. - Мустақиллик қишлоқлари шаҳардан қолишмаслиги лозим. Энг муҳими, тинчлик бўлсин, муаммолар йўл-йўлакка ечимини топиб бораверади. Бунинг учун эса ишлаш, кечадиган бугун, бугунгидан эртага яхшироқ ишлаш керак. Фаровонлигини қалити - меҳнатда!

Зайинддин РИХСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИКЛАР ТАНЛОВИ

Академик лицейи, касб-хунар коллежлари янги турдаги билим даргоҳлари янгилигига мамлакатимиз таълим тизимида ўзига мустақкам ўрин олди. Уларнинг ўқув-моддий негизини мустақкамлаш йўлида амалга оширилган педагогик жараёнлар ҳам изчил давом этмоқда. Таълимий андозалар талабларига жавоб берадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратишга ҳам дадил киришилди. Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази саъй-ҳаракати билан бу борада қатор ибратли ишларга қўл урилди. Марказ томонидан 1999-2000 йилларда янги ташкил этилаётган академик лицейлар учун чуқурлаштирилган фанлардан дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратиш бўйича танлов эълон қилиниши ҳам айни мuddао.

Бу хайрли тадбир Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзлуқсиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда. Бу йил қўлланмаларни яратиш бўйича танлов шартлари ҳам ишлаб чиқилди. Унда ўқув адабиётларининг ёзилишига қўйиладиган талаблар ҳам баён этилди. Масалан, адабиёт дарслигини тузишда ўқувчининг ёки ҳар бир шахснинг қилинган ишлари билан таъминлашда муҳим ўрин тутадиган адабий мерос намуналаридан берилиши, ҳозирги адабиёт фанининг муваффақиятларидан фойдаланиши, иншо ёзиш усуллари тўғрисида жадваллар қилиниши ҳам талаблар қўйилди. Танловга жами 43 та дарслик ва ўқув адабиёт намуналари тақдим этилди.

Мунира АСЛОНОВА, Зилола РАСУЛОВА.

Мустақилликнинг илк кунларидан республикамиз раҳбарияти, шахсан мухтарам Президентимиз Ислам Каримов юртимизда жисмоний тарбия, спортни ривожлантиришга, унинг оммавийлигини таъминлашга, профессионал клублар ташкил этиш ва уларнинг техник базасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратдилар. Спорт соҳасида меҳнат қилаётган мураббийлар, спортчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги-янги спорт иншоотлари барпо этиш, уларни жиҳозлар билан таъминлаш асосий вазифалардан бири қилиб белгилаб қўйилди. Ватанимиз пойтахти -Тошкент шаҳри энг йирик мусобақалар ўтказиладиган жойга айланиб қолди. Теннис бўйича республика Президентини кубоги, Челленжер, Микасса кубоги учун бўлиб ўтган мусобақаларни хорижий мамлакатларнинг қўллаб-қувватлашлари ҳам томоша қилиш бахтига муяссар бўлдилар. Энг қувонарлики шундаки, кураш бўйича биринчи жохон чемпионати мамлакатимизда ўтказилди. Ушбу мурасасиз ўтган беллашуларда ватанимиз полковлари 52 мамлакатдан келган курашчилар орасида биринчиликни эгаллашди.

Шундай бўлсада спортда ўз ечимини қутаётган муаммолар талайгина. Туманлар, хўжаликларда спортни ривожлантиришга, ёшлар ўртасида турли хил мусобақаларни ташкил этишга панжа орасидан қараб келинмоқда. Хўжаликларда меҳнат қилаётган спорт йўриқчилари маъсулиятни ҳис қилмаёттилар. Ишга бўлган соувқонлик, лоқайдлик оқибатида қўллаб-қўватлаш жамоалари тарқалиб кетмоқда. Айрим хўжаликларда номини мусобақалар ўтказиш аънаанага айланиб қолган. Яқинда туманимиз хўжаликларидан бўлиб, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказишга қандай эътибор берилётгани билан танишгач, ана

шундай хулосага келдик. Маълумки Вазирилар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорни қабул қилишдан мақсад таъкидланганидек, жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг кенг қатламини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишга жалб этишни таъминлашдир. Хўжаликларда ушбу қарор моҳиятини чуқур ҳис этган ҳолда иш юритилаётими? Т.Малик номли кооператив (ширкат) хўжалиги (раиси М.Намозов)да спорт ишлари бироз жонланган. Бунга аввало спорт йўриқчиси Саид Гулмуродовнинг жонқурлиги сабаб бўлаётир. Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган спорт йўриқчисининг ташаббуси билан

хўжаликда футбол ўйингоҳи қуриб битказилди. Иқтидорли ёшлардан иборат «Темир Малик» номли футбол жамоаси ташкил этилди. Ўтган хўжалик йилида чарм тўп усталари туман биринчилиги учун ўтказилган мусобақада муваффақиятли тўп суришди.

1998 йилда 80 минг сўмлик спорт анжомлари сотиб олинди. Бу йил эса спорт мусобақаларини ўтказиш, жиҳозлар сотиб

чили. «Икки кеманинг бошини тутган фарқ бўлади» деганларидек, Ўлжа Мўминов хўжаликда спорт ишларини жонлантира олмапти. Бунга сабаб вақт етишмаслигида. Хафтанинг беш кунда туман болалар ва ўсмирлар мактабида бўлади. Қолган икки кун эса хўжалик спортчилари билан машгулотлар ўтказиши керак. Аммо машгулотлар тўп-тўпидек ташкил этил-

дамчиси Расул Темиров ҳам тасдиқлади. Биз хўжаликда бўлган кунимиз ҳам Ў.Мўминовни учрата олмадик.

Хўжаликда спортнинг қатъий режалаштирилган футбол, волейбол, кураш, энгил атлетика, қўл тўпи турларини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётганини шундан ҳам билса бўладики, футбол ўйингоҳи замон талаблари даражасида жиҳозланмаган.

Югуриш йўлакчалари ҳам тартибга келтирилмаган. Бир сўз билан айтганда, хўжаликда спортнинг оммавий тури- футболни ривожлантиришга эътибор берилмапти. Бир пайтлари хўжалик йўриқчиси бўлиб ишлаган Нурулло Рахимов «Олга» футбол жамоасини ташкил этган. Чарм тўп усталари нафақат туман, балки вилоятда ўтказилган мусобақаларда ҳам фахрли ўринларни эгаллашганди. Иқтисодий етишмовчилик, футболчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмаслик жамоани тарқалиб кетишига сабаб бўлди.

Спорт йўриқчиси Б.Содиқов билан қилган сўхбатимиздан шу нарса аён бўлдики, у ёшлар ўртасида турли мусобақаларни ўтказишдан кўра ўз юмуши билан машгул бўлишни хуш кўради. Ўтган олти ой давомида хўжаликда спортнинг бирор тури бўйича мусобақа ташкил этилмагани фикримизнинг далилидир. Хўжалик касабга уюшма қўмитаси раиси М.Найманов Б.Содиқов билан муроаса қилиб келаётганига хайрон қолсан киши.

Спорт йўриқчиларидан яна бири «Комилон» жамоа ширкат хўжалигида ишлайди. Тошкент Давлат Аграр институтининг агрономия-тупроқшунослик кулиёти 5-босқич талабаси Нурбек Абдуллаевга катта ишонч билдирилди. Унга хўжалик спорт йўриқчиси вазифаси топширилди.

Бу вазифага ўтганимга бир ой бўлиб қолди. Илгари хўжаликда агроном бўлиб ишлардим. Ўринлар қисқаргани боис, менга вақтинча бўлсада спорт йў-

риқчиси вазифасини «амаллашни» юклатишди. Тўғрисини айтсам, бу ишга қўлим бормай турибди. Сабаби мутахассислигим тўғри келмапти. Ахир, халқимизда «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган нақл бор. Бас шундай экан, ҳар бир соҳанинг ўз мутахассиси бўлгани маъқул,- дейди Н.Абдуллаев.

Ҳақиқатан ҳам бу гапда жон бор. Хоҳ агроном бўлсин, хоҳ иқтисодчи, ўз мутахассислиги бўйича ишлагани маъқул. Хўжалик раҳбарларининг спортга ўғай кўз билан қараши оқибатида Н.Абдуллаевга ўзи севмаган вазифа юклатилган.

Тегириш яқунлари шуни кўрсатдики, «Комилон», Т.Малик номли кооператив (ширкат) хўжалигида спортга эътибор йўқ. Спорт йўриқчилари номигагина иш юритишяпти. Кўпгина ҳолларда улар ўз ишлари қилиб, бошқа «топириқ»ларни бажариш билан оввора. Ҳузани бегона ўтлардан тозалаш, ғалла ўрим-йиғимида иштирок этиш, дағал хашак тўплашда қатнашаётган спорт йўриқчиларининг боши қотган. Нима қилишсин? Бу топшириқларни бажаришмас, хўжалик раҳбарларидан «совга» олишлари тайин. Бажарай деса, ўзига юклатилган иш қилиб кетмоқда. Бунга туман раҳбарлари, қолаверса туман жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Луқмон Ражабовлар нима дейишаркин?

Муҳиддин ЖўРАЕВ,
Касби тумани.

Агроном — спорт йўриқчиси бўлгач... ҲАМ КУПАСИЗ, ҲАМ КУЯСИЗ

олишга маблағ ажратилмади. Бу ҳақда бир неча марта хўжалик раҳбарлари учрашдим. Аммо натижа бўлаётгани йўқ,- дейди Саид Гулмуродов. -Маблағ йўқлиги учун ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказишнинг имкони бўлмапти. Апрель ойида хўжалик худудидаги мактаблар ўқувчилари ўртасида футбол ва волейбол мусобақаси бўлиб ўтганди. Мусобақа ғолибларини тақдирлаш имконияти бўлмади. Бу эса ёшларнинг спортга бўлган қизиқишини сўндириши турган гап.

Ўлжа Мўминов туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида илмий бўлим мудири бўлиб ишлайди. Шу билан бирга шартнома асосида «Талишбе» жамоа-ширкат хўжалигида спорт йўриқ-

маётгани боис, ёшлар спорт тўрақларига қатнашмай қўйишган. Хўжаликнинг собиқ раиси Эгамберди Ниёзқулов 1998 йилда 430 минг сўмлик спорт анжомлари сотиб олиб берганди. Лекин уларнинг қаердалигини ҳеч ким аниқ айта олмади.

Спорт йўриқчиси Ўлжа Мўминов давлатдан ой сайин маошини олиб турибди. Мана икки ойидики уни хўжаликда учратганимиз йўқ, У нима иш билан шугулланиб юрганини ходимлар билан ишлаш бўлими ҳам сўраб суриштирмайди. «Эркатой» йўриқчининг танобини тортиб қўядиган мард топилмапти,- дейди хўжалик бош иқтисодчиси Мустафо Гулмуродов. Бош иқтисодчининг фикрларини унинг ёр-

Қачон бирор бир мусобақа ўтказиладиган бўлса футболчиларнинг ўзлари ўйингоҳни бегона ўтлардан тозалайдилар. Навбатдаги ўйин ўтказилгунга қадар бу майдонга ҳеч ким қадам ранжиди қилмапти.

М.Улугбек номли жамоа-ширкат хўжалигида спорт ишлари ўлда-жўлда эканлиги ҳақида газетамизда бир неча бор танқидий мақолалар чоп этилди. Дўстона айтилган бу танқиддан хўжалик спорт йўриқчиси Баҳодир Содиқов тўғри хулоса чиқармади. Аксинча «муҳбирларнинг вазифаси ёзиш» дея қўл силтаб, ўз билганича иш тутаяпти. Асли касби муҳандис-гидротехник бўлган Баҳодир Содиқов хўжаликдаги ўйингоҳни тартибга келтиришни хаёлига ҳам келтирмапти. Ўйингоҳни янтоқ, шўра ва бошқа бегона ўтлар босиб ётибди.

Акс-садо

фактларга мурожаат қилиб, айрим соҳа мутасаддиларининг фикрига қулоқ ту-

майиб бормоқда? Чунки обуначиларга газета-журналларни вақтида етказ

ОБУНАЧИЛАР РАНЖИМАСИН


тайлик. -Туманимизда салкам 30 минг донга 90 номдаги газеталарга, 1654 донга 29 номдаги журналларга обун бўлганимиз,- дейди «Қорақалпоқ почтаси» Тўртқўл тумани филиали бошлигининг ўринбосари Султонбой Абдуразоқов. -Бу 150 минг аҳоли яшайдиган туман учун ўз-ўзидан равшанки, кам. Нега, обуначилар сони йилдан-йилга ка-

олмаепмиз. Масалан, шанба кун босилиб чиққан марказий нашрлар икки кундан кейин етиб келади. Чунки «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиокомпанияси нима сабабдандир шанба, якшанба, душанба кунлари «Тошкент - Тўртқўл» йўналишидаги учадиган самолётлар режаларини тўхта-тиб қўйди. Натижада шанба кунги газеталар душанба кунга 170 километр узок-

ликдаги Нукусдан келтирилади.

Бундай ҳолинг содир этилиши нафақат Тўртқўл, балки Беруний, Эллиққалъа туманларидаги минг-минглаб обуначиларнинг ҳафсаласини пир қилапти. Негаки, ҳар ҳафтанинг шанба кун босилиб чиққан марказий газеталар бу туманлардаги обуначилар қўлига ҳам 2-3 кун кечикиб тегади. «Юракка энг яқин йўл» - мақола - сўхбатда таъкидланганидек, ҳамма соҳада бўлганидек обуначиларда ҳам маъсулиятни тўла ҳис қилган ҳолда фойлият юргизиш лозим. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиокомпанияси раҳбарлари бу оддий ҳақиқатни тўла англаб, зарур чоралар қўрадилар, деган умиддамиз.

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.



Фавворалар - ажиб гулдаста, Марвариддан унинг гуллари. Нур индиарар дилга бир пасда Гулга ёққан куёш нурлари.

«ЎСИМЛИКЛАР ШОҲИ»ГА КАДИМДАН ЭЪТИБОР

«Ўсимликлар шоҳи» бўлган пахтанинг ҳар хил навларини етиштириб, ундан тола ва калава ип олиш, матолар тўқиш ва кийим-кечак тикиш жуда қадим замонлардаёқ расм бўлган.

Ҳузани қўрмаган халқлар эса ундан тўқилган ажойиб матоларни қўриб хайрон қолганлар ва турли-туман ривоятлар тўқиб қўйган. «Ҳўза агар кичкина бўлмаганда, ток бағрларига ўхшатса бўладиган барглари бор, Мева олимадай келади, пишганда ёрилиб-чатнаб, ичидан юнг чиқади; шу юнгдан қимматли газламалар тўқилади», - деб ёзган эди қадимги замон тарихчиси Плиний.

Пахтага руслар ҳам азалдан қизиқиб келганлар. Уни Россияда ҳам етиштириш, ғузани ўша ернинг тупроқ - иқлим шароитига мослаштиришга ҳаракат қилдилар. XVII асрнинг ўрталарида рус подшоиси, Астрахандан чигит, тарвуз уруғларини топиб, уларни экиш учун Москвага юбюрини тўғрисида маҳаллий ҳокимият бошлиғига кўрсатма берди. Фармонда, агар юқорида кўрсатилган нарсалар Астраханда топилмаса, уларни Урта Осиёдан келтириш лозимлиги ўқтирилган эди. Шунингдек, бу экинларни парварши қилишга Ўзбек деҳқонларини жалб қилиш тўғрисида кўрсатма берилганди.

Нафиса РАВШАНОВА.

Шу йил «Ишонч» газетасининг 75-сонида «Обуна-узлуксиз жараён» рунки остида «Юракка энг яқин йўл» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда республика «Матбуот тарқатиш маркази» ҳиссадорлик жамияти бош директори Абдусаттор Ортиқов билан сўхбатда журналист шу куннинг долзарб муаммоларини ўртага ташлади. Дарҳақиқат, обуна - бир кунлик иш эмас, у узлуксиз жараён, газета-журналларнинг вақтида муштарийларга етиб бориши, бир сўз билан айтганда «Ваъдага вафо қилишга ҳам боғлиқ». Бу борада Қорақалпоғистон республикасида ҳам олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмас. Баъзи

КОЛЛЕЖЛАР ЖАДАЛ ҚУРИЛМОҚДА

2000 йилда Бухоро шаҳрида битта академик лицей, шунингдек шаҳар ва туманларда 12 та касб-хунар коллежлари бинолари фойдаланишга топширилади. Айни вақтда вилоятда ўқув биноларини қайта таъмирлаш ҳисобига улар негизда бешта янги касб-хунар коллежи бунёд этилмоқда. Ҳозиргача ушбу объектларда ярим миллиард сўмлик иш бажарилиб. Жумладан, Ғиждувон тумани ва Бухоро шаҳрида барпо этилаётган коллежларда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари белгиланган режа асосида олиб боришмоқда. Лекин Вобкент туманидаги касб-хунар коллежини таъмирлашда қоқоқликка йўл қўйилмоқда. Қурувчилар таъмирлаш ҳисобига қад ростлаётган 5 та янги касб-хунар коллежини янги ўқув йилига фойдаланишга топширадилар.


Бўйига:

- 1-Белги, ишора, символ.
- 2-Ипак газлама.
- 3-Қатикли таом тури.
- 4-Ҳиндистонда майда пул.
- 5-Болгариядаги шаҳар.
- 6-Нишона, эсдалик, ёдгорлик.
- 7-Ёмонлик қиладиган, бузуқ ярамас.
- 8-Болаларнинг энг севимли оромгоҳи.
- 9-Ҳарбий ўнвон.
- 10-Қадимги ўзбек цирк санъати жанрларидан бири.
- 11-Балиқ тури.
- 12-Ҳабар.
- 13-Қассобларни ёқтирадиган ҳашорат.
- 14-Шарқона чекимлик.
- 15-Урта аср форс-тожик мутафаккири ва шоири.
- 16-Тол нави.
- 17-Гречиядаги энг баланд тоғ.
- 18-Отлар подаси, отлар.
- 19-Узум нави.
- 20-Жанубий Амрикодаги ўрқасиз туя.
- 21-Мусбат зарядланган электрод.

Энига:

- 1-Дўконлар тизмаси.
- 2-Қадимги оғирлик ўлчов бирлиги.
- 3-Жозибдорлик, иссиқлик, кўрк.
- 4-Пул, «мулла жиринг».
- 5-Италян бастакори.
- 6-Яшаш жойидан бошқа жойга бадарға қилиш.
- 7-Одил Ёқубовнинг асари.
- 8-Араб алифбосидаги ҳарф.
- 9-Юнонистон афсонасидаги ой худоси.
- 10-Тожикистондаги шаҳар.
- 11-«Нефт»нинг аждоди.
- 12-Банди нордон, ейишли, илдизидан дори сифатида фойдаланиладиган ўсимлик.
- 13-Ковун нави.
- 14-Нок нави.

БОШҚОТИРМА



- 25-Пойтахтдаги қаср.
- 26-Кимёвий элемент.
- 27-Ибн Синонинг халқ орасидаги номи.
- 28-Олхўрининг синоними.
- 29-Қатар давлатининг пул бирлиги.
- 30-Байроқ, ту.
- 31-Айбланувчининг айбоси эканлигини тасдиқловчи далил.
- 32-Иорданиядаги шаҳар.

Тузувчи: Тожали УМАРОВ.



12 июлдан — 28 августга

• КҮЙ — Хизмат доирасида қийинчиликлар туғилиб, кайфиятингизни хира қилиши мумкин. Оилавий муносабатларда ҳам муаммолар пайдо бўлади.

• БУЗОҚ — Ушбу ҳафта Сиз учун қутилмаган ва ажойиб воқеа, янгиликлар олиб келиши қутилмоқда. Нима бўлишдан қатъи назар кайфиятингизни туширманг. Соғлигингиз безовта қилиши эҳтимоли бор.

• ЭГИЗАКЛАР — Кўпчилик учун ушбу кунлар чалқашлик ва тушунмовчиликлар туғдириши эҳтимолдан ҳоли эмас. Яқинларингиз ва қариндошларингиз соғлиғи сизни безовта қилади.

• ҚИСҚИЧБАҚА — Кўзлаб режа-мақсаднингизга эришишда молиявий масалалар тўсиқ бўлиши қутилмоқда. Шунинг учун ҳар қандай ишни кейинга қўриб, оилангиз ва яқинларингиз билан табиат қўйнида дам олинг.

• АРСЛОН — Оилада фарзандларингиз билан боғлиқ масалалар билан банд бўласиз. Ҳафта бошида молиявий муаммолар бироз қийнаши мумкин. Бироқ Ҳафта охирига бориб ҳаммаси жойига тушиб кетади.

• ПАРИЗО — Сиз учун Ҳафта барқарор келади. Иш ва хизмат юзасидан асаббўзар ҳолатлар бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўзингизга хос ишонч ва қатъият қийинчиликларни енгиб ўтади.

• ТАРОЗУ — Ҳафта қутилмаган янгиликларга бой бўлади. Иш доирасида ўзгаришлар рўй бериши, соғлигингиз безовта қилиши мумкин.

• ЧАЁН — Ҳафта бошида сафар ва молиявий ишлардан узоқроқ бўлинг. Акс ҳолда турли муаммолар ва ўзгаришлар таъсирига тушиб қолишингиз мумкин.

• ҲАҚИҚАТ — Ҳафтанинг чоршанба, пайшанба ва жума кунлари хизматингизда Сиздан қатъият, эҳтиёткорлик талаб қилинади.

• ТОҒ ЭЧКИСИ — Эски муаммо ва ишларингиз ечимида моддий имконият ҳамда асаббўзарлик, тўсиқлар бўлишига қарамай кўзлаган мақсаднингизга эришасиз.

• ҚОВҒА — Ҳафта сиз учун турли чалқашлик ва тушунмовчиликлар олиб келиши мумкин. Бироқ чоршанба, пайшанба кунлари иш ва касб доирасида муваффақиятга эришасиз.

• БАЛИҚ — Юлдузлар душанбадан чоршанбагача узоқни қўриб, режалар тузишни маслаҳат беради. Дам олиш кунлари бўладиган учрашув ва суҳбатлар Сизга кўп манфаат беради.

«Чиноз» агро-тадбиркорлик коллежи жамоаси коллеж директорининг биринчи ўринбосари Шокир Шюсюповга рафиқаси **Салтанат ШЮСҮПОВ**нинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб-«Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими
56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғривома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувида эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -21.00. Топшириш 23.00